

## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА МАРКЕТИНГ ТАЖРИБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Hojiyev Elshod Yoqub o'g'li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti tayanch doktoranti











1961 йилда 42 та мамлакатда ўрик маҳсулоти етиштирилган ва мос равишда асосий етиштирувчи мамлакатлар АҚШ, СССР, Венгрия, Туркия, Испания, Франция, Италия ва Эрон ҳисобланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг 2017 йилги маълумотларига кўра ўрик дунёнинг 69 та мамлакатларида етиштирилиб Туркия, Ўзбекистон, Италия, Жазоир, Эрон, Испания, Франция ва Афғонистон етакчи давлатлар қаторига киритилган.<sup>1</sup>

Иқтисодий мураккаблик обсерваторияси (ОЕС) нинг 2019 йилги статистик маълумотларига кўра, дунёдаги ҳўл ва кўритилган ўрик маҳсулоти савдо айланмаси 837 миллион долларни ташкил этди. 2021 йилда ўрик маҳсулотини етиштириш бўйича жаҳонда ажралиб турадиган топ 10 мамлакатлар қаторидан Туркия, Ўзбекистон, Италия, Жазоир, Эрон, Покистон, Испания, Франция, Морокко, ва Миср давлатлари ўрин эгаллаган.

Кўйидаги жадвалда ўрик маҳсулотини етиштириш ҳажми давлатлар кесимида келтирилган.

1-жадвал

Дунёдаги ўрик маҳсулотини етиштирувчи мамлакатларнинг энг яхши 10 талиги<sup>2</sup>

Т/р	Мамлакат номи	Етиштирилган маҳсулот ҳажми (тн.)
1	 Туркия	846,606
2	 Ўзбекистон	536,544
3	 Эрон	329,638
4	 Италия	272,990
5	 Жазоир	209,204
6	 Морокко	145,831
7	 Испания	145,830
8	 Франция	134,800
9	 Афғонистон	129,363
10	 Греция	118,340
Жами:		2 869 146

Бундан шунни кўриш мумкинки, дунёдаги ўрик маҳсулотларини етиштиришнинг катта қисми Европа Иттифоқи давлатлари ҳиссасига тўғри келади (жамига нисбатан 23,4 фоиз). Рўйхатда юқори ўринларни эгаллаб турган Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон Осиёнинг ўрик етиштириш бўйича ажралиб туришини исботламоқда (жамига нисбатан 34,7 фоиз). Бошқа томондан, Жазоир, Морокко ва Миср давлатлари Африка қитъасида етакчилик қилмоқда (жамига нисбатан 12,4 фоиз). 1-ўриндаги Туркия географик жихатдан қулай позицияда жойлашганлиги сабабли дунёдаги жуда катта миқдорда ўрик етиштирувчи давлат сифатида кўрилади ва дунёда қиёсий устунликка эга ҳисобланади (жамига нисбатан 29,5 фоиз).

<sup>1</sup> Ahmet Semih Uzundumlu , Tuba Karabacak , Abdifatah Ali. Apricot production forecast of the leading countries in the period of 2018-2025. Emirates Journal of Food and Agriculture. 2021. 33(8): 682-690 doi: 10.9755/ejfa.2021.v33.i8.2744 <http://www.ejfa.me/>

<sup>2</sup> <https://numerical.co.in/numerons/collection/60a71edd190ebb1700cdd989>

Ўрик етиштириш Туркияда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муҳим ўрин тутиб, Туркия ўрик ва қуритилган ўрик маҳсулотини етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Осиё мамлакатларидан Покистон, Афғонистон, Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўрикни асосан қуритиш учун, Европанинг Франция, Испания ва Италия давлатлари эса хўл ҳолатда истеъмол учун етиштиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, дунё бўйича етиштириладиган ўрик маҳсулотининг ҳажми қарий 4,1 млн тоннани ташкил этади. 1.3-жадвалда келтирилган давлатларда глобал ўрик маҳсулотининг 70,26 фоизи етиштирилишини кўриш мумкин.

“Анадолу” агентлигининг хабар беришича Туркия шарқида жойлашган Малатия вилояти 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларида 63,5 минг тонна қуритилган ўрик маҳсулоти экспортини амалга ошириб, экспорт ҳажмини 225,5 млн. долларга етказишга эришган.

Ушбу турдаги курук мевалар бўйича жаҳон экспортининг 85 % и Туркия давлатининг Малатия вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Туркиядаги 17 миллион ўрик дарахтининг 8 миллионга яқини Малатияда ўстирилади. Қуритилган ўрик етиштириш орқали 50 минг фермер хўжалиги барқарор даромад олиб келмоқда.

Малатия савдо биржаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг сентябрь ойида вилоятдан 42,26 миллион долларлик деярли 11 минг тонна, 2020 йилнинг сентябрь ойида эса 30,75 миллион долларлик 9,34 минг тонна қуритилган ўрик маҳсулоти экспорт қилинишига эришилган.

Экспорт қилинган маҳсулотни миқдор жиҳатдан солиштирсак, 2020 йилнинг 9 ойлик экспортига нисбатан 2021 йилнинг 9 ойида Малатиядан экспорт қилинган қуритилган ўрик маҳсулотидан тушган даромад 11,51 миллион долларга ошди.

Малатия Савдо биржаси раҳбари Рамазон Ўзжан юқори сифати билан ажралиб турадиган 100 минг тонна қуритилган ўрик экспортини таъминлаш ва экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказишни мақсад қилинганини таъкидлади.<sup>3</sup>

Турк тадқиқотчи олимларидан Ucar ва Engindeniz 2018 йилда Малатия вилоятида қуритилган ўрик маркетинги бўйича олиб борган тадқиқотида “Микроиктисодий жиҳатдан қараладиган бўлса, маҳсулотни етиштириш ҳажмини ошириш ишлаб чиқарувчини даромадини кўпайишига ҳизмат қилади, макро жиҳатдан эса ўрик маҳсулоти қўшимча қиймат яратадиган ва тез сотиладиган маҳсулотга айланади. Бу эса, ўз навбатида экспортдан тушадиган даромадлар орқали мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшишига олиб келади”<sup>4</sup>, деб таъкидлаганлар.

Шу билан бирга, Туркиянинг Егей, Игдир, Ҳатай минтақалари ҳам қуритилган ўрик экспортида алоҳида ажралиб туради.

Таҳлилларга кўра, 2020 йилда ўрик маҳсулотининг экспорти дунёнинг 66 та давлати, қуритилган ўрик маҳсулоти эса 80 та давлат томонидан амалга оширилган бўлиб, унинг экспорт қиймати 814,26 миллион долларга ташкил этган. Қуйида 080910 – ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича энг кўп ташқи бозорларга ўрикни етказиб берган давлатларнинг экспорт қиймати бўйича маълумотларни кўриб чиқамиз.

<sup>3</sup> <https://east-fruit.com/uz/yangiliklar/zhahon-boyicha-quritilgan-orik-eksportining-85-foizi-turkiyadagi-birgina-viloyat-hissasiga-toqri-keladi/>. 2021 йил 9 октябр

<sup>4</sup> Ucar, K. and S. Engindeniz. 2018. A research on marketing of dried apricot in Malatya province. Selcuk J. Agric. Food Sci. 32: 249-256.




1-расм. Глобал бозорда ўрик маҳсулотини экспорт қилувчи мамлакатларнинг энг яхши 10 лиги<sup>5</sup>

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки, 10 та давлатлар томонидан экспорт қилинган маҳсулот умумий қиймати (397,6 млн доллар) нинг 43 фоизи биргина Испания давлатига тўғри келмоқда. Йирик экспорт қилувчи давлатларнинг кейинги ўринларида Туркия (14 фоиз) ва Ўзбекистонни (12 фоиз) кўриш мумкин. Кучли ўнликнинг кейинги ўринларини Европа Иттифоқининг Италия, Франция ва Греция давлатлари банд эткан бўлса, Афғонистоннинг улуши 3 фоиз билан 7 ўринни эгаллаган. АҚШ, Иордания ва Нидерландия давлатлари фоиз жihatдан тенг миқдорда кейинги ўринларни бўлишган.

1.4-расмдан шуни хулоса қилиш мумкинки, ўрик маҳсулотини умумий экспорт миқдорининг 67 фоизи Европа китъасига тўғри келган. Марказий Осиё давлатларининг улуши эса 15 фоиз, бошқа давлатларнинг хиссаси 18 фоизни ташқил этган.

Навбатдаги расм орқали 081310 – ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича қурилган ўрикни энг кўп миқдорда ташқи бозорлардаги харидорларга етказиб берган давлатларнинг экспорт қиймати бўйича маълумотларни кўриб чиқамиз.

<sup>5</sup> Халқаро савдо марказининг 2020 йилдаги ўрик маҳсулотини экспорт қилиш бўйича маълумоти. [https://www.trademap.org/Country\\_SelProduct.aspx?nvpm=1%7c%7c%7c%7c%7c080910%7c%7c%7c6%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c1](https://www.trademap.org/Country_SelProduct.aspx?nvpm=1%7c%7c%7c%7c%7c080910%7c%7c%7c6%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c1)



2-расм. Энг кўп кўритилган ўрик экспортини амалга оширган давлатлар <sup>6</sup>

Юқоридаги расмдан кўришимиз мумкинки, экспорт қилинган кўритилган ўрикни умумий қиймати (341 млн доллар) нинг 260,3 млн. доллари биргина Туркия давлатига тўғри келмоқда. Йирик экспорт қилувчи давлатларнинг кейинги ўринларида, ўз навбатида Туркиянинг таъкибчилари Ўзбекистон (16,8 млн. доллар) ва Афғонистонни (15,5 млн доллар) кўриш мумкин. Энг кўп экспортни амалга оширган давлатларнинг кейинги ўринларини Европа Иттифоқининг Германия, Франция ва Нидерландия давлатлари банд этган бўлса, Қирғизистон, АҚШ, Жанубий Африка ва Тожикистон давлатлари деярли тенг миқдорда экспортни амалга оширган. Шунингдек, Испания ва Тожикистон давлатларининг ҳам экспорт ҳажми бир-биридан унча фарқ қилмаган ҳолда кейинги ўринларни эгаллаган.

1.4-расмдан шуни хулоса қилиш мумкинки, кўритилган ўрик маҳсулотини умумий экспорт миқдорининг 76 фоизи Туркия давлатига тўғри келган. Марказий Осиё давлатларининг улуши эса 12 фоиз, қолган Европа Иттифоқи, АҚШ ва Жанубий Африка давлатларининг ҳиссаси ҳам 12 фоизни ташкил этган.

Euromonitor томонидан 2017 йилда тайёрланган ҳисоботда Ўрта Осиёда Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан қуритилган ўрик етиштирилиши ва Тожикистонда қуритилган ўрик экспорти ҳажми барча қайта ишланган мева-сабзавотлар экспорт қийматининг 77 фоизини ташкил қилиши келтирилган. Шунингдек, Бу икки ҳудуднинг ўриклари бошқа мамлакатларнинг рақобатбардош нархларига қараганда юқори озуқавий хусусиятларга эгаллиги таъкидлаб ўтилган<sup>7</sup>.

<sup>6</sup> Халқаро савдо марказининг 2020 йилдаги қуритилган ўрик маҳсулотини экспорт қилиш бўйича маълумоти. [https://www.trademap.org/Country\\_SelProduct.aspx?nvpm=1%7c%7c%7c%7c%7c081310%7c%7c%7c6%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c1](https://www.trademap.org/Country_SelProduct.aspx?nvpm=1%7c%7c%7c%7c%7c081310%7c%7c%7c6%7c1%7c1%7c2%7c1%7c1%7c2%7c1%7c%7c1)

<sup>7</sup> Euromonitor. 2017. Analysis of Priority Markets for Diversification of Export of Products from Central Asia Dried Fruits, Nuts, Beans: Market Access Strategies and Recommendations. [https://www.giz.de/de/html/suchergebnisse.html?query=apricot&send\\_button\\_search=Suchen](https://www.giz.de/de/html/suchergebnisse.html?query=apricot&send_button_search=Suchen). [Last accessed on 2020 Feb 29].





талаб этади. Ўрикнинг “Шалах”<sup>12</sup>, (сноска) “Абрикос”, “Юбилейный”<sup>13</sup> ва “Самарқанд” (халқ тилида “Чавпазак”) навлари етиштирилади.

Қирғиз Республикасида ҳам ўрик етиштириш ва уни экспорт қилиш мамлакат қишлоқ хўжалигида муносиб ўрин тутади ҳамда аграр соҳанинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда, турли ҳисоб-китобларга кўра, 15 минг гектардан ортиқ ўрик плантациялари мавжуд. Плантациянинг 10 минг гектардан ортиғи мамлакат жанубида, шу жумладан, 7,5 минг гектар кўпроғи Боткен вилоятида жойлашган. Кўпинча эрта ҳосилга кирувчи ўрик Боткен вилояти, Боткен туманида етиштирилади ва эртапишар ўрикнинг ялпи ҳосил ҳажми қарийб 2 минг тоннани ташкил қилади.

Қирғиз Республикасида янги ўрик ички бозорда уч ой давомида мавжуд бўлади ва ўрик пишиши республиканинг турли зоналарига тўғри келади. Биринчи ўрик июнь ойининг биринчи ярмида Боткен вилоятида пишади. Кеч ўрик август ойининг бошида Иссиқкўл вилоятидан бозорларга кириб келади. Бу ерда ҳам фермерлар учун ҳосилнинг йиғиш даври бир нав учун бир ойдандан камроқ вақтни талаб этади. Ўрикнинг “Шалах”, “Ананасный” ва “Абрикос” навлари етиштирилади.

Эртапишар ўрик Европа ва Россия бозорларида рақобатбардош маҳсулот ҳисобланади. Янги ўрикнинг энг катта истеъмолчилари - Россия ва Германия. Шунинг учун барча ўрик ишлаб чиқариш марказлари биринчи навбатда Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқи мамлакатларига эрта пишар маҳсулотларни йўналтиради. Россия Федерациясига ўрик Европа Иттифоқи, Ўзбекистон, Арманистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистон давлатларидан кириб келади.

2-жадвал

Ўрикнинг пишиш ва мавсумийлик даври<sup>14</sup>

Давлат номи	Апрел	Май	Июн	Июл	Август
Қирғизистон					
Тожикистон					
Ўзбекистон					
Греция					
Арманистон					
Италия					
Туркия					
Испания					

<sup>12</sup> Шалах, шунингдек, Еревани деб ҳам аталади, жуда йирик нав бўлиб, инжик бўлмаган ва юқори даражада чидамли. Сарик рангли бўлиб, бу навли ўрик қуритилмайди.

<sup>13</sup> Юбилейный. Р.Р.Шредер, К. В. Васильевым, Л. А. Протасевич номли Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд филиалида Арзами ва Гулгонги Фальгарский навларини чапиштириш орқали етиштирилган. Бу ўрикнинг эртапишар нави бўлиб, асос томонидаги воронкаси кенг ва етарлича чуқур бўлади. Пўсти ўртача ўсган, сариқ-тўқ сариқ, сезиларли малинаги қизариш билан қопланган. Ўртача зичликдаги пульпа, сувли, шакари кўп, озгина ёқимли нордон, хушбўй, яхши таъмга эга.

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмаси

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, ўрик, биринчи бўлиб Тожикистонда апрел ойида етиштирилади ва истеъмолга тайёр бўлади. Бу эса ўрикни ташқи бозорларга етказиб беришда бошқа давлатларга қараганда катта устунлик беради. Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Ўзбекистон, Арманистон ва Италия давлатларида ўрик май ойида бозорларга етказиб берилди. Июнь-июл ойларида жадвалдаги барча давлатларда ўрик мавсуми бўлса, август ойида фақатгина Туркия ва Қирғиз Республикасида ўрикни истеъмол учун етказиб берилди. Тожикистоннинг шимолий қисмида етиштирилган маҳсулотлар фақат икки ҳафта муддатда бозор афзалликларига эга бўлади. Кейин у Россия Федерацияси бозорларида Ўзбекистон ва Туркиядан келадиган маҳсулот оқими сабабли рақобатга дуч келади. Бундай шароитда, рақобатчилар орасида ажралиб туриш ҳамда ўрикларни бошқа бозор сегментларига олиб чиқиш учун меваларни сифати ва қадоғи устида иш олиб бориш зарур.

Анъанавий бозорларда Қирғизистон жанубида етиштириладиган ўриikka келсак, у Татаристон, Ўзбекистон, Туркия, Арманистон давлатлари маҳсулотлари билан рақобатлашади. Фақат нарх туфайли мавжуд шароитларни яхшилаш билан бир қаторда, бозордаги рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун етказиб бериш шартлари, маҳсулот ва қадоқлашни ўзгартиришга тўғри келади. Умуман олганда, ўрик машҳур ва соғлом мева бўлганлиги билан бирга унинг харидорлари жуда кўплигини таъкидлаш лозим.